



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 27 июнь, № 124 (6054)

Жума

Гўзал Фарғонанинг янги қиёфаси



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 26 июнь куни Фарғона вилоятига келди.

Фарғона вилояти ўзининг ер ости ва ер усти бойликлари, ривожланган sanoat ва коммуникация тармоқлари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутди. Вилоятнинг иқтисодий салоҳияти барча соҳаларни изчил ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 107,6 фоизни ташкил этди. Sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, хизматлар кўрсатиш соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Замонавий sanoat тармоқларини ривожлантириш, халқаро бозорда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилиш изчил давом эттирилмоқда. Экспорт қилувчи корхоналарнинг кенг қўллаб-қувватланаётгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятига жалб этилаётгани самарасида вилоятнинг бу борадаги салоҳияти муттасил ошиб бормоқда. 2014 йилнинг биринчи чорагида маҳсулотлар экспорти 120,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Вилоятдаги ўзгариш, янгиланиш шаҳар остонасиданок кўзга ташланади. Фарғона халқаро аэропортида қурилган янги бино вилоятдаги кенг қўллами

бунёдкорлик ишларидан дарак беради.

Президентимиз ушбу бинони кўздан кечириб экан, уни янада кўркамлаштириш, йўловчиларга замонавий қулайлик яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Фарғона аҳли азалдан санъат ва маданиятни юксак қадрлайди. Вилоятда 4 театр ва 14 музей, бой китоб фондига эга 1628 кутубхона ва ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгазининг 2012 йил 14 декабрь куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида Фарғонани тоғ маънода гўзал ва бетакрор шаҳарга айлантириш, аҳоли учун муносиб шарт-шароитлар яратиш бўйича қатор вазифаларни белгилаб берган. Ўтган қисқа вақт мобайнида кенг қўллами қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Вилоят марказида минг ўринли Санъат саройи қуриб битказилди. Сарой атрофидаги 40 гектар майдонга 10 минг туп манзарали дарахт экилиб, сўлими хиёбон барпо этилди. Мусиқали фаворалар иклим мўътадиллигини таъминламоқда.

Президентимиз мазкур Санъат саройида томошабинлар учун яратилган қулайликлар билан қизикди.

Кенг ва ёруғ санъат қошонасининг эшик ва устунлари миллий услубда безатилган. Томоша залида томошабинлар учун

барча зарур шароит ва қулайликлар яратилган. Хусусан, Болалар замонавий ёритиш чироқлари ўрнатилган.

Янги иншоотлар барпо этишда ҳар бир деталга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки биз қураётган биналар неча ўн йиллаб келажақ авлодларимизга ҳам хизмат қилиши даркор, деди давлатимиз раҳбари.

Санъат саройига туташ ҳудудда муҳташам спорт қошонаси — Сув спорти мажмуаси бунёд этилган. Сув ҳавзаси, машғулот ва тренажёр залларига эга мазкур мажмуада болалар сувиши, синхрон сузиш, сув полиси каби спорт турлари билан шуғулланади.

Президентимиз бу ерда машғулот ўтаётган болалар билан суҳбатлашди. Уларнинг ўқиши, келажақдаги режалари билан қизикди.

— Спорт инсонни қатъият қилади, иродасини мустаҳкамлайди. Иродали инсон ўз олдига катта мақсадлар қўяди ва унга албатта эришади. Ўзбекистон фарзандлари нафақат спортда, балки барча соҳаларда улкан марраларни кўлга киритиши учун биз ҳеч нарсага аямаймиз. Чунки биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, — деди Юртбошимиз.

Вилоятда болалар спорт мажмуалари, мусиқа ва санъат мак-

таблари қуриш изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 14 спорт комплекси ва спорт заллари, мусиқа ва санъат мактаблари қурилмоқда ҳамда реконструкция қилинмоқда. Уларнинг барчаси замонавий жиҳоз ва анжомлар билан таъминланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 15 ноябрда қабул қилинган “Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012 — 2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида вилоят марказида кенг қўллами бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Замонавий корхоналар, таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари ва стадионлар, йўллар, хиёбонлар бунёд этилаётди.

Фарғона шаҳрининг қиёфаси қисқа муддатда бутунлай ўзгарибди, деди Юртбошимиз. Шаҳарнинг бош режаси устида ишлашда, бино ва йўллар қуришда узоқ истиқболни ўйлаб иш юриштириш лозим. Айланма ҳалқа йўлини барпо этиш, кўп тасмали магистраль йўллари қуриш, коммуникацияларни ривожлантириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини кенгайтириш, замонавий иншоотлар барпо этиш керак.

Мамлакатимизда спортни, хусусан, футболни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантириш, футбол мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мурабийлар ва ҳакамлар малакасини ошириш юзасидан кенг қўллами ишлар бажарилмоқда.

Фарғона шаҳрида бунёд этилган 20 минг ўринли стадион мазкур йўналишдаги ишларнинг изчил давомидир. Бу стадион ўзининг ноёб мезморий ва муҳандислик ечими, бетакрор дизайни билан Фарғона кўрғига кўрк кўшмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу стадионни бориб кўрди.



Ислам Каримов болаларга спорт анжомлари совға қилди. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз шаҳарлари бош режа асосида қайта қурилмоқда. Бунинг Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Термиз, Қарши, Урганч каби шаҳарларимизнинг бугунги жамоли мисолида кўриш мумкин. Шулар қатори Қўқон ва

Президентимиз стадионда спортчилар, томошабинлар учун қулай шарт-шароит яратиш, ёш спортчилар, хусусан, футболчилар тарбиялашга эътиборни янада қучайтириш зарурлигини таъкидлади.

**Анвар САМАДОВ,
Маъсудхон СУЛАЙМОНОВ,
Ўзда махсус мухбирлари.**
Сарвар ҲАМИДОВ оlingан суратлар.

Дунёдаги қадимий ва энг нуфузли тадқиқот марказларидан бири — Оксфорд университети (Буюк Британия)нинг бир гуруҳ етакчи олимлари чуқур комплекс тадқиқот ўтказиб, ривожланаётган мамлакатларнинг энергия таъминоти муаммоларини кўп маблаг талаб қиладиган гидроэлектр станциялари қуриш орқали ҳал этиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида илмий асосланган хулосага келди.

ОКСФОРД УНИВЕРСИТЕТИ ОЛИМЛАРИ ЙИРИК ГИДРОИНШОТЛАР ҚУРИШ МАҚСАДГА МУВОФИҚ ЭМАСЛИГИНИ АСОСЛАБ БЕРДИ

Оксфорд университети олимлари А. Ансар, Б. Флайбергер, А. Бадзер ва Д. Ланн замонавий статистика услубларидан фойдаланган ҳолда, сўнгги 70 йилда беш қитъа ва 65 мамлакатда қурилган 245 йирик тўғонни таҳлил қилиб, йирик гидроэнергетика иншоотларини қуриш нечоғли мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масала юзасидан илмий асосланган ва далиллар билан исботланган батафсил тадқиқотни тайёрлади. Тадқиқот натижалари «Энергетика сиёсати» халқаро журналида чоп этилган «Йирик тўғонлар барпо этиш керакми? Гидроэнергетик мега-лоийҳаларни амалга оширишнинг реал қиймати» мақоласида баён этилган.

Британиялик олимларнинг хулосасига кўра, йирик тўғонлар қуриш бўйича ҳар тўрт лойиҳанинг учтасини қуриш жараёни-

да уларнинг қиймати ортиб борган. Яъни уларнинг ҳақиқий қиймати лойиҳа қийматидан ўртача 96 фоиз ёки қарийб икки баробар кўпайган. Тадқиқот шуни кўрсатдики, йирик тўғоннинг лойиҳада белгиланган қийматини етарлича баҳолашмаслик эҳтимоли бугун ҳам 1934 йилдаги каби юқориликка қолмоқда.

Тадқиқот давомида йирик мега-тўғонларни барпо этиш бундай лойиҳалар қийматининг шиддатли ўсиши билан боғлиқлиги аниқланган: баландлиги 100 метр бўлган тўғонни қуриш, одатда, 50 метрлик тўғонни қуришдан тўрт марта қimmatга тушади. Олимлар тўғонларнинг лойиҳалаштириладиган ва яқиний қиймати ўртасидаги фарқ мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражасига боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратган.

(Давоми 2-бетда).

Ҳамкорлик ягона мақсадга хизмат қилади

Тошкентда ўтказилган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш — жамиятни ривожлантириш ва демократлаштиришнинг устувор йўналиши” мавзусидаги икки кунлик халқаро конференция мамлакатимизда дунёнинг энг илғор тажрибалари инobatта олиниб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш мақсадида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг бир қисмига айланди.

■ СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОХОТЛАРИ

Маълумки, истиқлол йилларида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган улкан ишлар рўёбга чиқарилди. Дунё ҳам-жамиятининг тан олишича, юртимизда бугунги кунга келиб, инсоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-гуманитар ҳуқуқларини ҳар томонлама муҳофаза этишга қаратилган зарур ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган стратегик дастур жиноятга оид сиёсатга инсонпарварлик тамойилларини янада кенг татбиқ этиш, уни либераллаштириш бўйича суд-ҳуқуқ ислохотларига янгича туртки берди.

Зеро, одамларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари, энг аввало, яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари, қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга

олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслигини таъминлаш бу борада рўёбга чиқарилиши лозим бўлган долзарб вазифалардандир.

Халқаро анжуманда чет эллик экспертлар Ўзбекистонда мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, миллий қонунчиликка соҳадаги халқаро стандартларни жорий этиш, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини самарали ташкил этиш йўлида ташланаётган салмоқли қадамларга юқори баҳо берди.

Мамлакатимизда, шунингдек, суддан ташқари ҳимоя институтларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар шахс ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича суд механизмини сезиларли даражада тўлдиришга йўналтирилгандир. Бундай институтлар орасида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил — омбудсман муҳим ўрин эгаллайди.

(Давоми 2-бетда).

Брюсселда Ўзбекистоннинг тиббиёт соҳасидаги ютуқларига бағишланган тақдирот бўлиб ўтди

Бельгиянинг “Healthcare Belgium” уюшмасида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимининг тақдироти бўлиб ўтди. У “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг амалга оширилиши мавзусига бағишланган тадбирлар доирасида мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонаси томонидан уюштирилди.

■ БИЗ ВА ЖАҲОН

“Healthcare Belgium” уюшмаси — 2007 йили Бельгиянинг етакчи тиббиёт муассасалари томонидан ташкил этилган нотижорат ташкилот ҳисобланади. Уюшма Бельгия Ишбилармонлар Федерациясининг аъзосидир. Брюссель, Любвен ва Аалст университетлари клиникалари, Муқаддас Елизавета, Муқаддас Михаил хусусий кли-

никалари, “Эдит Кавелл” клиникалар гуруҳи ҳамда тиббиёт асбоб-ускуналари ва технологиялари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган қатор компаниялар “Healthcare Belgium” таркибига қиради. Уюшма мунтазам равишда халқаро ҳамкорликни ривожлантираётгани баробарида, кўплаб мамлакатлар соғлиқни сақлаш

вазирликлари, академик муассасалари, касалхоналар, шунингдек, давлат ва хусусий шериклар билан алоқаларни йўлга қўйиб келмоқда.

Болалар тарбиясига ғамхўрликни, уларнинг соғлом ва ҳар томонлама баркамол бўлиб ривожланишини таъминлаш юзасидан Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат, кўрилаётган чора-тадбирларни кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган мазкур тақдирот маросимида “Healthcare Belgium” уюшмаси Бошқарувчилар кенгаши ҳамда Бельгиянинг расмий ва жамоатчилик доиралари вакиллари ҳозир бўлди.

Тадбир чоғида унинг қатнашчилари республикамизда аҳоли саломатлигини

таъминлаш, тиббиёт хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш, фуқаролар ҳаёти давомийлигини орттириш, қишлоқ жойларда даволаш сифатини юксалтириш, поликлника ва касалхоналарни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, касалликларнинг алоҳида турлари тарқалиши бўйича кўрсаткичларни қисқартириш юзасидан эришилган муваффақиятлар ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлдилар. Ўзбекистон Республикаси болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича дунёда етакчи давлатлардан бири сифатида эътироф этилгани алоҳида таъкидланди.

(Давоми 4-бетда).

27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ



ларини диверсификация қилиш, экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш орқали меҳнат самарадорлигини таъминлаш бўйича бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилдики, уларнинг ижроси қутилган самарани бераётир.

— Дарҳақиқат, бугунги тараққиёт даври ҳар бир соҳада изланиш ва янгилашни тақозо этапти, — дейди "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи-

берилди. Шу жумладан, 11 номда янги нашрлар чоп этилаёпти.

Бундан ташқари, корхона жамоаси ёш кадрларни ишга жалб қилиш бўйича ҳам ўзига хос тажрибага эга. Бу борада Чилонзор ва Тошкент матбаа касб-хунар коллежлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, ушбу ўқув даргоҳларида таҳсил олаётган ўқувчиларга амалиёт ўташлари учун барча шарт-шароит яратиб берилаётир. Жумладан, бу йил 12 нафар битирувчи мавсумий келишув шартномаси асосида, 4 нафар


Юксак эътибор ва изчил фаолият матбаа корхоналарини ривожлантиришда айна муддао бўлмоқда

Бугун биз улкан ахборотлар оқимида яшаётимиз. Аҳолининг тезкор ва ҳаққоний ахборотга бўлган талабини қондириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, умуман, жамият тараққиётини жадаллаштиришда мазкур соҳа вакилларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Оммавий ахборот воситаларининг ҳаёtimизга чуқур кириб бораётгани фуқаролик жамиятининг муҳим шартин ҳисобланган нодавлат ахборот тармоқларининг изчил шакллантирилаётганида, анъанавий маълумот тарқатиш манбалари қаторида интернет тизимининг юқори суръатлар билан ривожланиши ҳам яққол намойён бўлмоқда. Шу боис мамлакатимизда кейинги йилларда матбуот, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа корхоналари фаолияти равангага алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, ноширлик ташиқлотларига солиқ борасида берилган имтиёз ва енгилликлар, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бераёпти. Бунга

нинг бош муҳандиси Олим Мелиев. — Масалан, газета чоп этиш цехимизга ҳозирнинг "Starline S 30" русумли босма машиналари, муқовалаш цехига "Horizont", "Perfecta", "Aster-180" ил билан тикиш ускуналари ўрнатилгани иш унумдорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Қолаверса, қоғозни кесибдан тортиб, чоп этишгача бўлган барча жараён компьютерлар орқали бошқарилаётгани диққатга сазовордир. Натижада ўтган йили 48 миллиард 113,7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик. Ушбу суръати аввалги йилдагига нисбатан 135,2 фоизни ташкил қилди. Жорий йилда эса Германиянинг "КВА" фирмасидан 8 бўёқли "Rapida 8-105" русумли чоп этиш ускунасини ишга туширишни режалаштириб туримиз.

Нашриёт-матбаа уйи жамоаси бу йил, шунингдек, 15 миллион 700 дан мактаб дарслиги тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ҳозиргача унинг 70 фоизи буюртмачиларга етказиб



● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

инвесторларни ҳамкорликка чақиради ва банкнинг куйидаги шўъба корхоналарини сотиб олиш учун таклиф этади.

тўқимачилик саноатидаги корхоналар:

- **Калава ип, мато, трикотаж маҳсулотлари, аделлар ва гиламлар ишлаб чиқариш:** «Chinoz Textile» МЧЖ, «Beshariq To'qimachi» МЧЖ, «Kurgan Tex» МЧЖ, «Nam Tex» МЧЖ, «Nukus Textile» МЧЖ, «Rishton To'qimachi» МЧЖ, «Xumo To'qimachi» МЧЖ, «Royal Silk» МЧЖ, «Oq Saroy Textile» МЧЖ, «Kosonsoy To'qimachi» МЧЖ, «Namangan To'qimachi» МЧЖ, «Koson Textile» МЧЖ, «Poyteks» МЧЖ, «Ko'kcha Textile» МЧЖ, «Marg'ilon Bo'yqoq Textil» МЧЖ, «Urg Tex» МЧЖ, «To'ytepa Textile» МЧЖ, «Horazm Gilamlari» МЧЖ.

курулиш материалларини ишлаб чиқариш саноатидаги корхоналар:

- **Европа технологияси асосида шиша толали кувурлар, фитинглар, полиэтилен кувурлар, гиштар, гранит ва мрамар плиталар ишлаб чиқариш:** «Asia Pipeplast» МЧЖ, «Sogdiana Pipeplast» МЧЖ, «Eastbrick» МЧЖ, «Gazalkent Stone» МЧЖ.

қоғоз-целлюлозасини ишлаб чиқариш соҳасидаги корхоналар:

- **пахта целлюлозаси, техник этил спирти, қоғоз ва қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш:** «Farg'ona Kimyo Zavodi» МЧЖ, «Toshkent Qog'oz» МЧЖ, «Namangan Qog'oz» МЧЖ.

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, тери буюмлари ва сутни қайта ишлаш, сут ва қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш:

- **мева ва सबзавотлардан концентранглан пюре, болалар тоамлари, минерал сувлар, мевали жем, सबзавотли консервалар, музқаймоқ, макарон, томат пастаси, сифатли чарм ишлаб чиқариш, майда ва йирик шохли ҳайвонлар терисини қайта ишлаш:** «Nukus Agro» МЧЖ, «Kinder Fruits» МЧЖ, «Surhon Sun Milk» МЧЖ, «Azia ays» МЧЖ, «Asaka Mak» МЧЖ, «Asia Sokato» МЧЖ, «Vodiy Muzaqumog'i» МЧЖ, «Andijon Charm» МЧЖ, «Toshkent Sifat Sut» МЧЖ, «Quva Qandolatari» МЧЖ.

туристик ва меҳмонхона хизматларини таклиф этувчи корхоналар:

- «Xorazm Palace» МЧЖ, «CityPalace» МЧЖ ва «Registon Plaza» МЧЖ.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

Италиянинг "Alitalia" миллий авиакомпанияси муайян шартлар эвазига ўз акцияларининг 49 фоизини Бирлашган Араб Амирликларининг "Etihad Airways" авиакомпаниясига сотишга рози бўлди, дейилади "Блумберг" ахборот агентлиги хабарида.


Акцияларини сотишга рози



Келишилган маблағнинг миқдори ҳақида аниқ маълумот берилганича йўқ. Лекин бир неча кун аввал Италия транспорт вазирлиги "Etihad Airways" дастлабки босқичда қарий 560 миллион евро ҳажмида маблағ тўлашга ва келгуси тўрт йил ичида яна 690 миллион еврога тенг инвестиция йўналтиришга тайёр эканини билдирганди. Ўз навбатида, БАА компанияси режасига мувофиқ, "Alitalia" даги 12 мингта иш ўрнидан 2200 таси қисқартирилиши керак.

Яқиндагина Япониянинг "Toyota" компанияси дунё бўйича сотилган 2 миллиондан ортиқ автомобилда носозлик аниқлангани боис уларни қайтариб олишини маълум қилганди.

Яна носозлик муаммоси



Сўнгги вақтларда Нью-Йорк штати аҳолисининг йўлбарслар билан бирга суратга тушиб, уни интернетдаги ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ҳолати сезиларли даражада кўпайган.

Суратга тушганга жарима

Бу вазият штат маъмуриятини ташвишга солмоқда. Маҳаллий амалдорларнинг фикрича, бундай қилғилликлар яхшилик билан туғайди ва шу боис унинг олдини олишга қаратилган чора қўлаш лозим. Манхэттен қонунчилик мажлиси вакиллари бу борада ташаббус билан чиқшди. Яъни йўлбарс билан суратга тушишни тақиқловчи ҳужжат лойиҳасини таклиф қилишди. Унда қоидадан бузган шахс 500 АҚШ доллари миқдорига жарима тўлаши кераклиги кўрсатилган. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, охириги 15 йил ичида Нью-Йорк штатида йўлбарсларнинг қафасдан қочиб чиқиб, одамларга жароҳат етказиши билан боғлиқ етти та нохуш ҳолат қайд этилган.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

- «Capital realtor group» МЧЖда 2014 йил 29 июль куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси охиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда:
1. Яққасарой тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ҳудудий судининг 2013 йил 26 ноябрдаги 10-1308/6040-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Ракат (аввалги Ш. Абдуллаев) кўчаси, 57-уйда жойлашган, умумий ер майдони 584 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 668 кв.м. бўлган 1 ва 2 қаватли офис бинолари.
Бошланғич баҳоси — 481 250 000 сўм.
 2. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан ФИБ Шайхонтоҳур туманларо судининг 2013 йил 22 апрелдаги 1-728/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 35-уйда жойлашган, умумий майдони 235 кв.м. бўлган бир қаватли бинонинг ертўла қисмидаги ресторан.
Бошланғич баҳоси — 260 000 000 сўм.
- 2014 йил 15 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар такроран кўйилмоқда:
1. Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 13 августдаги 1-83-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган:
 1. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, Автомажмуа, 11/2-қаторда жойлашган, умумий майдони 18 кв.м. бўлган 16-савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 52 756 200 сўм.
 2. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, Автомажмуа, 13/2-қаторда жойлашган, умумий майдони 18 кв.м. бўлган 20-савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 52 756 200 сўм.
 3. Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 22-«В» уйда жойлашган блок «Б», умумий майдони 1288 кв.м., 2 қаватли автосалон, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювтиш, савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуи.
Бошланғич баҳоси — 1 581 570 900 сўм.
 - II. Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган:
 1. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,2 кв.м. бўлган уй-жой.
Бошланғич баҳоси — 355 817 000 сўм.
 2. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий майдони 517 кв.м. бўлган уй-жой.
Бошланғич баҳоси — 156 925 000 сўм.
 3. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий ер майдони 501 кв.м. бўлган 5 та хонадан иборат уй-жой.
Бошланғич баҳоси — 362 031 000 сўм.
 - III. Чилонзор тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 13 июндаги 1-83-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган:
 1. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-уйнинг биринчи қаватида жойлашган нотуражой.
Бошланғич баҳоси — 2 196 831 600 сўм.
 2. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-уйнинг иккинчи қаватида жойлашган нотуражой.
Бошланғич баҳоси — 2 246 370 300 сўм.
- Қорридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
- Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланғич баҳосида бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.
- Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 202080002049271003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.
- Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.
Телефон: (8-371) 250-19-24.
- Хизматлар лицензияланган.**

«NAMANGAN MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

- Аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2014 йил 24 январдаги 16-1305/17389-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Omega elegant tekstil» МЧЖга тегишли Наманган шаҳри, Қурувчилар кўчаси, 54-уй, «Golden hello trade» МЧЖда сақланаётган 70 000 дона ва Тошкент вилояти, Бекобод тумани, «Далварзин пахта тозалаш заводи» ОАЖ омборхонасида сақланаётган 195 850 дона ўрама мато кўйилмоқда.
- Бошланғич баҳоси — 2 259 725 000 сўм.**
- Аукцион савдоси 2014 йил 30 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2014 йил 11 июль куни соат 18.00.
- Мазкур мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
- Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Namangan mulk markazi» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000504941534001, МФО: 00223, СТИР: 302127947.
- Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Телефон: (8-369) 227-93-34.
- WWW.TIMM.UZ**
- Гувоҳнома № 005576.

ООО «FOLGOIZOL KAFOLAT»

Фольгоизол предназначен:

- для покрытия кровли;
- для создания новой и ремонта старой кровли зданий;
- для гидроизоляции стен и фундамента;
- для гидроизоляции бассейнов, тоннелей, мостов и других сооружений.

ФОЛЬГОИЗОЛ

Эксплуатационные качества, подходящие для любых климатических условий:

- влагоустойчивость;
- долговечность;
- высокие изолирующие свойства.

(+998 90) 175-65-00, (+998 90) 982-75-96.

Брюсселда Ўзбекистоннинг тиббиёт соҳасидаги ютуқларига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди



(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Соғлом

бола йили" Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари тўғрисидаги ахборотлар ҳам учрашув иштирокчиларининг эътиборига

ҳавола этилди. Дастур доирасида кўзда тутилган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда юртимизда ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир саъй-ҳаракатлар Бельгия вакиллари томонидан юқори баҳоланди.

Мамлакатимизнинг Бельгияда дипломатия ваколатхонаси томонидан тайёрланган Ўзбекистоннинг бой тарихий, илмий-маданий мероси, мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёт кўрсаткичлари, соғ-

лиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, беморларни даволашнинг энг янги усул ва технологияларини ўзлаштириш борасида эришилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилувчи видеофильм тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Тақдимот иштирокчилари Ўзбекистон ва Бельгия тиббиёт муассасалари, клиника ҳамда касалхоналари ўртасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш, самарали ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан манфаатдорлик изҳор этилди.

Винсент ХЕЛВОТ, касалхона ва клиникаларни жиҳозлаш бўйича "Haelvoe" компаниясининг етакчи мутахассиси:

— Мамлакатингиз тарихан қисқа муддат мобайнида эришган муваффақиятлар, хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ютуқлар менда катта таассурот қолдирди. Бугунги тақдимот давлатингизнинг аҳолини ихтимой қўллаб-қувватлаш жаҳаси-

да олиб бораётган сиёсати билан танишиш учун яхши имконият яратиб берди. Ўзбекистоннинг ёш авлодини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, уларнинг саломатлиги ва раванки юзасидан жонқуярлиги алоҳида эътиборга моликдир.

Бизга тақдим этилган маълумотлар республикада аҳолининг ҳаёт даражасини юксалтириш, тиббиёт хизматлари сифатини ошириш, болаларнинг баркамол ри-

вожланиши ва уларнинг ўз салоҳиятидан фойдаланишлари учун қўлай шарт-шароитларни яратиш юзасидан диққатга сазовор чора-тадбирлар қўйилаётганидан дарак беради.

Инсоният цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларнинг бебахо илмий меросига таянган ҳолда, ўзбек халқи қисқа муддат давомида тиббиёт соҳасида дунёнинг ривожланган давлатлари даражасига чиқди. Европанинг тегишли тусулмалари билан алоқаларнинг жадаллашуви Ўзбекистон тараққиётига кўмаклашиши баробарида, ҳар икки томон мутахассисларининг билимлари ортиси-га хизмат қилади.

Натали Де ХЕРТ, "Healthcare Belgium" уюшмаси ходими:

— Ўзбекистонда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар, шу жумладан, "Она ва бола скрининги" дастури доирасидаги саъй-ҳаракатлар кўпгина давлатлар учун намунадир.

Республика соғлиқни сақлаш тизими-га йўналтирилаётган маблағлар йилдан-йилга ортиб бораётгани, айниқса, биз-

ни қувонтирди. Шу ўринда 2010 йилда-гига нисбатан 2013 йили соғлиқни сақлаш тизимига маблағ йўналтириш 3,8 мартаба ошганини қўллаб-қувватлайман.

Ўзбекистоннинг Европа тиббиёт ташкилотлари, клиника ва касалхоналари билан ўзаро алоқаларни ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга арзийди.

«Жаҳон» АА. Брюссель

Спорт

Шу кунларда Тошкентда классик, рапид ва блиц шахмат бўйича 12 ёшгача бўлган ўғил болалар ҳамда қизлар ўртасида Осиё чемпионати ўтказилмоқда.

Осиё чемпионати қизғин паллага кирди

Осиё шахмат федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жағма-си ҳамда мамлакатимиз шахмат федерацияси томонидан ташкил этилган мазкур мусобақада 200 нафарга яқин ёш иктидор эгаси голиблик учун баҳс олиб бора-япти.

Вакилларимиз ҳозиргача ўтказилган бешта турни муваффақиятли яқунлашди. Масалан, ўн ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида Нодирбек Абдусаторов мўғулистонлик Ганзориг Амартувшин, ҳиндистонлик Моҳан Кушарга, Ритвик Ража ва Прагнананда, шунингдек, жамоадoshi Жавоҳир Синдоровни мағлубиятга учратиб, мусобақа жадвалида пешқадамлик қилмоқда. Рапид — тезкор шахмат бўйича олти ёшгача бўлган спортчилар орасида қитъа чемпионлигига эришган Ожол Раҳматулаев беш имкониятдан тўрт очко жағариб, голибликка асосий даъвогарлардан бири сифатида эътироф этилаётди. Ун икки ёшгача бўлган қизлар баҳсида дона сураётган Дилбар Ҳамроева ҳисобида ҳам шунча очко бор.

Полвонлар баҳси

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида яна бир нуфузли мусобақа — самбо бўйича катталар, ёшлар, ўсмирлар ва хотин-қизлар ўртасида қитъа чемпионати бошланди. Унда йигирмага яқин давлатдан 350 нафардан зиёд полвон иштирок этаётди.

Бахсларнинг дастлабки кундаёқ катталар орасидан голиб ва совриндорлар аниқланди. Хусусан, вазни 82 килограммгача бўлган спортчилар ўртасидаги ҳал қилувчи беллашувда ҳамюртимиз Фаррух Жумаев Қозоғистон вакили Ержан Кабделовни мағлубиятга учратиб, чемпионликка эришди. Шунингдек, ўз вазн тоифасида Элдор Фуломов, Сардор Шовриқов ва Ширин Шарипов ҳам олтин медални қўлга киритди. Шавкат Жўраев кумуш, Шербек Рўзиев ва Давлат Ҳамроев бронза медал билан тақдирланди.

Хотин-қизлар ўртасида вазни 60 килограммгача бўлган самбочилар мусобақасида иштирок этган Гулноза Зиёева финалда ҳиндистонлик Ваҳишта Шивахи билан рўбарў келди. Маҳорат бобидан ундан анча устун эканлигини исботлаган спортчимиз Осиё чемпиони, деган номга сазовор бўлди. Қолаверса, ҳамюртларимиздан Нодира Гулова ва Обида Алладўстова ҳам ўз вазн тоифасида олтин медал билан тақдирланди. Маликабону Мирзаева, Ойдини Ботирова, Шоҳиста Сафарова, Гулмира Исматова ва Мафтунна Эсонова иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Шахло Йўлдошевага бронза медал ҳисобга эъти.

Шавкат ОРТИҚОВ.

СЕМИНАР

Янгийўл туманидаги "Алишер Навоий гулшани" маданият ва истироҳат боғида юртимиз ижодкор ёшларининг худудий семинари бўлиб ўтди.

Ижодкор ёшлар билан учрашувлар

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси ва пойтахт вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Тошкент, Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятларидан ўттиздан зиёд умидли қаламкашлар қатнашди.



маънавият ва маърифатнинг юксалишига алоҳида эътибор қаратилаёпти. Илму ижод ривож топмоқда, истеъдодли ёшлар муттасил қўллаб-қувватланаётди. "Ижод" фондининг ташкил этилиши, ёш қаламкашларнинг илк тўпламлари "Биринчи китобим" рунки остида бир неча ўн минг нусхада чоп этилиб тарқатила-

ётгани ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир. — Бундай самимий анжуманлар ёш ижодкорларнинг маънавий камолотида бекиёс аҳамиятга эга, — дейди

калонимиз номи билан аталувчи боғда ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Мазкур аҳоли дам олиш маскани кейинги пайтда тубдан реконструкция қилинган. Янгийўлнинг сулим ва обод гушаларидан бирига айланди. Биллур фаввора, кўкаламзор майдон, кенг, баҳаво йўл ва хиёбонлар, ўндан ортиқ замонавий аттракционлар туман аҳолиси ва меҳмонларига байрамона кайфият улашмоқда.

Кун давомида семинар иштирокчилари назм, наср, бадий публицистика шўъбаларига бўлиниб, машғулотларга киришдилар. Таниқли адабиётшунослар, устоз ижодкорлар умидли қаламкашлар учун маҳорат дарсларини ўтдилар. Икки давлат вакиллари ўртасидаги очиқ мулоқотлар мумтоз ва жаҳон адабиётининг нодир кирралари, таҳрир санъати, мавзу ва жанр уйғунлигига оид савол-жавоблар, адабий мунозараларга улашиб кетди.

Яқунда анжуман қатнашчиларига ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАДБИР

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан "Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси" шиори остида ижодий ишлар танлови ўтказилди.

Юртимизнинг етти мўъжизаси

Унда республикамиз умумтаълим мактабларининг 5 — 9-синф ўқувчилари ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тўгарак аъзолари ўзлари яшаб турган худуддаги тарихий масканлар ҳамда замонавий иншоотлардан тайёрлаган фотосуратлари, иншо ва

тасвирий санъат намуналари билан қатнашди. Кўрик-танлов якунига кўра, тегишли йўналишлар бўйича голиб бўлган тўққиз иштирокчи диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Д. АБДУРАИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

амкодор ИП ООО «АМКОДОР-ТАШКЕНТ»
официальный дистрибьютор холдинга «АМКОДОР» в Республике Узбекистан

погрузчики фронтальные и универсальные | погрузчики с бортовым поворотом, ямобуры | автогрейдеры и землехозы | катки самоходные вибрационные

БЕЛУССКАЯ ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНАЯ, СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННАЯ, КОММУНАЛЬНАЯ И СПЕЦИАЛЬНАЯ ТЕХНИКА

экскаваторы-погрузчики | экскаваторы | машины фрезерные, траншекопатели | вилочные авто-и электропогрузчики

Товар сертифицирован
Тел./факс: (8-371) 283-42-18, 283-42-17, моб. (+998 94) 669-29-71.
Республика Узбекистан, 100005, г. Ташкент, ул. 8 Марта, 57, e-mail: ajle@mail.ru, www.amkodor.by

«SHURTAN GAZ-KIMYO MAJMUASI» УШК
«POLIETILEN QUVURLAR» ШК

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида жойлашган, «Шўртан газ-кимё мажмуаси» қошидаги «POLIETILEN QUVURLAR» шўъба корхонасида

диаметри 75 мм.дан 250 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ва уларга бутловчи қисмлар ҳамда томчилатиб суғоришда фойдаланиладиган шланглар кенг асортиментда ишлаб чиқарилмоқда.

Бизнинг қувурларимиз сизни тез-тез учраб турадиган бузилиш ва таъмирлаш муаммоларидан кўп йиллар мобайнида халос этади.

Маҳсулот сертификатланган.
Буюртма ҳамда таклифлар куйдаги телефонлар орқали қабул қилинади: (8-436) 220-00-35, 220-00-36.
Шунингдек, буюртмаларни pe-plast.uz сайти ва pe_plast@mail.ru электрон манзилига юборишингиз мумкин.
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 210609, Навоий вилояти, Кармана тумани, Маликработ кўргони.

Қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона ва тадбиркорлар диққатига!
«Янги-Ангрен ИЭС» ОАЖ
худудда сақланаётган 8 миллион 500 минг тонна
кул-қурумнинг
сотилиши ҳақида маълум қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: (+99893) 500-68-22, (+99898) 809-68-22.
Факс: (8-371) 236-63-49.
Манзил: 110313, Тоскан вилояти, Охангор тумани, Нуробод қўргони, «Янги-Ангрен ИЭС» ОАЖ.

WWW.XS.UZ Бухоро: Вилоят марказида ёш мутахассислар форуми бўлиб ўтди. Унда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳамда олий ўқув юрларида таҳсил олаётган 300 нафардан зиёд йигит-қиз қатнашди.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 669. 118 344 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров. Навбатчи — О. Файзиев. Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.50 Топширилди — 04.00 1 2 3 4 5